Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 21 июнь, шанба • № 49 (10.927) • Эркин нархда сотилади

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

19 июнь куни Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ҳамроҳлигида Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетига ташриф буюрди.

Университет ректори вазифасини бажарувчи, академик Т. Долимов олий мартабали меҳмонларнинг ушбу даргоҳга ташрифи ва мазкур учрашув университет аҳли — ўқитувчи ва талабалар учун унутилмас воқеа бўлиб қолажагини таъкидлади.

Университет илмий кенгаши Ўзбекистон ва Озарбойжон халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, фан ва маданиятни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевга Тошкент Давлат университети фахрий доктори унвонини берди. Йиғилишда олий мартабали меҳмонга ана шу диплом тантанали равишда топширилди.

Озарбойжон раҳбари Ҳ. Алиев ўзига кўрсатилган бундай эъзоз учун миннатдорчилик билдирар экан, бундай деди:

— Аввало, университет аҳлига, қолаверса, бутун Ўзбекистон халқига ўзим ҳамда Озарбойжон халқи номидан самимий эҳтиромни изҳор этаман. Ўзбекистон халқи ҳам, Озарбойжон халқи ҳам башарият тараққиёти, илм-фан равнақи учун улкан хизмат қилгани оламга маълум. Биз буюк мутафаккирлар — Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Фузулий, Бобурни ва бошқа кўплаб таниқли зотларни ҳеч қачон унутмаймиз. Шундай буюк алломаларнинг фарзандлари эканимиздан ҳақли равишда фахрланамиз.

Тошкент Давлат университети Марказий Осиёдаги нуфузли билим даргоҳларидан бири сифатида машҳурдир. Марказий Осиё халқининг маънавий-маданий ҳаётида ушбу университет катта аҳамият касб этиб келган. Унинг ўрни ҳозир ҳам ҳар қадамда сезилиб туради. Ана шундай обрўли илм даргоҳининг фахрли доктори шарафига муяссар бўлганимдан фахрланаман.

Президент Ҳайдар Алиев Тошкент Давлат университетига эсдалик совғаси — машҳур озар шоири Фузулий портретини ҳадя қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевни фахрий унвон билан самимий қутлар экан, Ўзбекистон билан Озарбойжонни бир-бирига яқинлаштириб турадиган тарихий-маданий, иқтисодий ҳамда сиёсий омиллар ҳақида қисқача тўхталиб ўтди:

— Мен, бир гапни алоҳида таъкидламоқчиман: Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда тарихий-маданий омилларнинг эътиборга олиниши диққатга моликдир. Лекин, шундай жиҳатлар борки, улар бугунги ўтиш даврининг ўзига хослиги билан изоҳланади. Бундай мураккаб даврда ҳар бир давлат ўзига ишончли ҳамкор бўла оладиган мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Шу маънода Озарбойжон ҳукумати юритаётган ташқи ва ички сиёсат бизга мақбул. Қолаверса, Озарбойжон бугунги кунда ўз мустақил йўлидан дадил бораётган ёш, мустақил давлатлардан биридир. Бу хусусият ҳуқуқий-демократик жамият барпо этиш ғояси билан илгари бораётган ва иқтисодий-сиёсий ислоҳотларни муваффақият билан амалга ошираётган Ўзбекистон халқи учун ҳам яқиндир.

Айни пайтда кишиларимизнинг онги, фикрлаш даражаси ўзгариб бораётгани кўнгилга қувонч бағишлайди. Бу борадаги ишларга бугун алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, таълим тизимини ислоҳ қилиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш давлат сиёсати даражасидаги вазифалардандир. Янгича, яъни ҳақиқий маънодаги мустақил ҳаёт кечириш учун, аввало тафаккуримизни бутунлай янгиламоғимиз зарур. Бу жараёнда ёш авлод тарбияси — энг асосий масала.

Президентлар Ислом Каримов ва Ҳайдар Алиев Озарбойжоннинг Тошкентдаги элчихонаси очилиш маросимида ҳам иштирок этдилар.

— Ўзбекистон халқи Озарбойжон халқини доимо ўзига дўст ҳисоблаб келган, — деди Президент Ислом Каримов. — Бугунги кунга келиб мана шу азалий дўстлигимизнинг янада равнақ топиши ва мутсаҳкамланиши учун ҳуқуқий замин яратдик. Ишончим комилки, иш бошлаган ушбу элчихона дўстона муносабатларимизни янада яхшилашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

— Озарбойжон билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик алоқалари бугун янгича тамойиллар асосида тобора мустаҳкамланиб бораётир, — деди Ҳ.Алиев. — Озарбойжон элчихонасининг Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда очилаётгани ҳам бу борадаги яна бир қадамдир.

Президентларнинг қисқача табрик сўзларидан сўнг, Озарбойжон Республикаси элчихонаси биноси узра мазкур давлат байроғи кўтарилди. Ҳар икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Тантана ўзбек ва озар халқлари миллий куй ва қўшиқларидан тузилган концертга уланиб кетди.

Шу куни Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов ҳамроҳлигида Ўзбекистон миллий боғига ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмон ғазал мулкининг султони — ҳазрат Алишер Навоий хайкали пойига гул қўйди.

Сўнгра Ҳайдар Алиев республика Товар-хомашё биржасини ҳам бориб кўрди. Бош вазир ўринбосари, республика Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В.Чжен мазкур биржа фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

Шу куни «Дўрмон» қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кузатиш маросими бўлди.

(ЎзА).

Президентларнинг яккама-якка суҳбати. А. ТЎРАЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

АЛКОГОЛЛИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ДАВЛАТ МОНОПОЛИЯСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Тасдиқланган стандартларга мувофиқ алкоголли маҳсулот ишлаб чиқаришни тартибга солиш, унинг тегишли технологияси ва сифатини таъминлаш, шунингдек уни сотиш устидан назоратни кучайтириш мақсадида:

1. Озиқабоп спирт, ароқ ҳамда бошқа алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга давлат монополияси ўрнатилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, озиқабоп спирт, ароқ ҳамда бошқа алкоголли махсулотлар ишлаб чиқариш мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар томонидан, шу жумладан хорижий сармояни жалб этган корхоналар томонидан, Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда бериладиган руҳсатномалар асосида амалга оширилади.

3. «Ўзмевасабзавотузумсаноат» ва «Ўзкимёсаноат» уюшмалари «Ўздавстандарт» ҳамда бошқа тегишли идоралар билан биргаликда бир ҳафта муддатда озиқабоп спирт, ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳуқуқини олиш учун хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан, шу жумладан корхоналар амалдаги стандартларга мувофиқ ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг технологияси ва сифатини, шунингдек уларни сотиш юзасидан белгиланган тартибни таъминлашларига нисбатан қўйиладиган талаблар рўйхатини тузиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсинлар.

4. Вазирлар Маҳкамаси:

Корхоналар, шу жумладан хорижий сармояни жалб этган корхоналар алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳуқуқини олишлари учун уларга рухсатномалар бериш тартибини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқиб, тасдиқласин;

Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан банд бўлган хўжалик юритувчи субъектларни 1997 йилнинг 1 сентябрига қадар синчиклаб ҳисобга олсин ҳамда корхоналарга алкоголли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳуқуқини олишга рухсатномалар бериш учун ушбу фармон талабларига мувофиқ уларнинг рўйхатини белгиласин;

Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексига мувофиқ, 1998 йил 1 январдан бошлаб амалга киритиладиган вино-ароқ маҳсулотларини сотиш ҳуқуқи учун маҳаллий йиғимнинг, шу жумладан бундай маҳсулотлар савдо-сотиғи ҳуқуқи учун лицензия йиғимининг қатъий белгилаб қўйилган ставкаларини бир ой муддатда ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ҳафта муддатда амалдаги қонунчиликка мазкур фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

6. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 19 июнь.

Хушхабар

АНЪАНАНИ БУЗМАГАН ХЎЖАЛИК

Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги ғаллакорлари Чиноз туманида яна биринчи бўлиб дон топшириш режасини бажардилар. Хўжалик бошқаруви раиси Убайдулла Мирсобировнинг айтишича, давлат омборига 815 тонна сара буғдой етказиб берилди.

ХЎЖАЛИКДА ғалла ўрим-йиғими жадал давом этяпти. Битта «Кейс» ва 2 та «Нива» комбайнлари билан буғдой ўрилмоқда. Ғаллакорлар кузда экиладиган уруғлик донни ҳам жамғариб қўймоқдалар. Ғалладан бўшаган майдонлар эса пешма-пеш ҳайдалиб, бошқа экинлар экиш учун ҳозирлаб қўйилмоқда. 365 гектар ерга фурсат ўтказмай маккажўхори, картошка, сабзавот ва бошқа экинлар экилади.

М. ОРЗИЕВ.

ШУ КУННИНГ МАВЗУСИ

НАҚД ПУЛ ҚАЁҚҚА КЕТЯПТИ?

...СОЛИҚЧИЛАРДАН иборат гуруҳ аъзоларининг бир қисми тонг саҳарлаб Тошкентдаги «Олой» бозорида, иккинчи қисми эса «Фарҳод» деҳқон бозорида учрашадиган бўлишди. Зеро, худди шу пайтда деҳқонлар бозорларга маҳсулот олиб келишади, олибсотарлар эса ишга тушади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Қоп, яшик ва тоғоралардаги картошка, бодринг, гилос, ёнғоқларга дарров чайқовчилар эга бўлишди. Улар маҳсулотларни кўтарасига сотиб олишди-да, майдалаб пуллаш учун бозор пештахталарининг тагига жойлашди. Маҳсулот етиштирган деҳқон эса бозор остонасидан изига қайтди.

Ўша куни «Олой» бозорида ҳеч қандай ҳужжатсиз мева-сабзавот маҳсулотларини сотиб ўтирган 21 фуқаро ушланди. Улар деҳқонлардан арзон гаровга олиб қолган жами 4500 килограмм деҳқончилик маҳсулотларини оғизларига сиққан нархларда пуллаб турдилар. Чайқовчи Ж. Ниёзов фуқаро Т. Исаевдан 84 килограмм гилосни 90 сўмдан сотиб олиб, 120-130 сўмдан пуллаётганда, Б. Мавлонов эса 53 сўмдан булғор гармдориси олиб, 70 сўмдан сотаётганда солиқчилар келиб қолишди.

«Фарҳод» бозорида эса 10 нафар чайқовчи қўлга тушди. Улар деҳқонлардан 711 килограмм турли хил деҳқончилик маҳсулотларини кўтарасига сотиб олиб, устама нарх билан пуллашга киришган эдилар. Махсус назорат-тафтиш бошқармаси ходимлари қўлга тушган ҳар бир чайқовчининг фаолиятини суриштириб, жазо чораларини қўллаш учун материалларни суд органларига юбормоқдалар.

Солиқчилардан энди олиб-сотарлар анча чўчиб қолишган. Шунга қарамай, кўзни шамғалат қилиб, чайқовчиликни давом эттиришяпти. Шу боисдан бозорларда нарх-наволар анча баланд. Агар деҳқон билан бозор ўртасида чайқовчилар бўлмаганида нарх-наво шунчалик кўкка сакрамас эди.

Ўйлаб қоласан киши, шошиб турган деҳқонлар молини келишилган нархларда сотиб олувчи ва дўконлар орқали сотувчи ширкатлар ёки фирмалар ташкил этилса яхши бўлмасмикан? Шунда нақд пул давлат ғазнасига тушар эди. Бугунги кунда эса нақд пулнинг катта қисми чайқовчилар киссасига тушиб кетяпти. Оқибатда пул бир ҳовуч кишилар қўлида тўпланиб қоляпти. Оқибатда банкларда нафақа, пенсия, маош тўлаш учун нақд пуллар баъзан етишмаётир.

Ҳозир пул топишда айрим ҳайдовчилар чайқовчиларни ҳам ортда қолдириб кетмоқдалар. Олмалиқ шаҳар Филатов кўчаси 55-уйда истиқомат қилувчи Сервер Алиев давлат белгиси 55-44 ТШП бўлган автобусни ҳайдайди. Майда ишлар жонига теккач, Сервер олис манзилларни кўзлаб қолди. Тошкентга келиб, Алматига тижорат ишлари билан борувчи 28 кишини тўплади. Уларнинг ҳар биридан 1000 сўмдан, жами 28 минг сўм йиғиб олди-да, Қозоғистон томон йўлга тушди. Ҳамза тумани «Ғалабанинг 40 йиллиги» мавзесидаги 4-уй 17-хонадонда истиқомат қилувчи Зоир Рўзиев ва Чилонзор тумани 30-мавзедаги 27-уй 39-хонадонда истиқомат қилувчи Абдумўмин Раҳимов бир бўлишиб, ўзларининг «Икарус-250» автобусида 70 кишини 60 минг сўмга Алматига элтиб қўйишга келишдилар.

Ҳар иккала автобус Тошкент туманидаги «Ғиштқўприк» божхона постида тўхтатилиб, кўрикдан ўтказилганида ҳайдовчиларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатномалар йўқлиги маълум бўлди. Алматига ҳўл мева, кўкатлар ва бошқа хил маҳсулотларни сотиш учун олиб кетаётган фуқароларда ҳам бундай ҳужжат йўқ эди. Дарҳол тузилган далолатномалар тегишли солиқ инспекцияларига чора кўриш ҳамда тадбиркор фуқаролар даромадини аниқлаш учун юборилди.

Истиқлол туфайли ўлкамизда тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятлар берилди. Тижоратчи ва тадбиркорлар учун барча йўллар очилди. Лекин, давлатни алдамоқчи, халқимиз ризқини қиймоқчи бўлган олғирлар турли найранглар ишлатишга уринмоқдалар. Солиқчилар ва божхона хизмати ходимлари эса ўз зиммаларига юкланган вазифаларни ҳушёр туриб адо этмоқдалар.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари.

Воқеалар, хабарлар, янгиликлар

«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари хабар қиладилар

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

МАҲАЛЛА қадим-қадимдан миллий урф-одатлар, анъаналар, халқ удумлари тўла акс этган табаррук жой ва тарбия ўчоғи бўлиб келган. Республика ҳукумати кейинги пайтда маҳаллаларнинг ролини янада ошириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги нуфузини мустаҳкамлаш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Маҳаллалар маҳаллий ҳокимиятларнинг энг ишончли бўғини сифатида тан олинди. Хўш, шундай экан, уларнинг фаолияти бугунги кун талабларига жавоб беряптими?!

ШУ ЙИЛНИНГ 17 июнь куни бўлиб ўтган республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг тўртинчи пленумида ана шу ҳақда гап борди. Унда вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлимининг Президент фармонлари ва республика ҳукуматининг қарорларини бажариш борасидаги 1996 йил иш фаолияти якунлари ва 1997 йил режалари чуқур муҳокама этилди.

Пленумда ўтган йил ва 1997 йилнинг беш ойида амалга оширилган ишлар таъкидланар экан, айни вақтда вилоятдаги 1500 га яқин маҳалла қўмиталарининг ишини жонлантириш юзасидан ҳали қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги ва бу борада амалий ишлар қилиш зарурлиги айтилди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг раиси бўлиб ишлаб келган Солижон Воҳидов пенсияга чиққанлиги муносабати билан бу вазифадан озод этилди.

Илгари «Маҳалла» хайрия жамғармаси Яккасарой тумани бўлимида ишлаб келган Рўзи Турсуналиев «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг раиси этиб сайланди.

Пленум ишида вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят ҳокимининг муовини Сайёра Хўжаева иштирок этди.

М. ФАТТОҲОВ.

ЯНА БИР ХИЗМАТ УЙИ

ЧИНОЗ шаҳрида аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган корхоналар сони яна биттага кўпайди.

ТАДБИРКОР Фарида Иброҳимова шаҳар марказида «Нилуфар» хизмат кўрсатиш уйини очди. Бу ерда тикувчилик цехи, суратхона, «Гўзаллик салони» ишлай бошлади. Маиший хизмат уйида тўққиз киши аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Келгусида кичик корхонада яна соатсозлик ва пойабзал таъмирлаш цехлари ҳам очилади.

Орзиқул МАЪМУРОВ.

ЎЗИМИЗДА «ЎЗБЕКНАВО» БЎЛИМИ

МАВЖУД бадиий жамоалардан танлаб олинган хонандалар, созандаларни жамлаш ва аҳолига маданий хизмат кўрсатиш савиясини ошириш вилоят маданият ишлари бошқармасининг долзарб режаларидан бири эди. Яқинда бошқарма бу хайрли ишни амалга оширди.

Вилоят ҳокимининг қарори билан «Ўзбекнаво»нинг Тошкент вилоят бўлими ташкил этилди. Қисқа муддатли ташкилий тадбирлардан сўнг қўшиқчилар, малакали мусиқачилар, раққосалар бевосита далалар ва фермаларга бориб меҳнаткашларга хизмат кўрсата бошлайдилар.

Саид САИДАҲМЕДОВ.

ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНДИ

«Тошвилоятйўловчитранс» концерни қошида вилоят автовокзал ва автостанциялари бирлашмаси ташкил этилганлигига йигирма йилдан ошди. Бу тизим шу давр ичида йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида тубдан ўзгариш ясади.

— Йўловчилар учун барча қулайликлар яратилган «Тошкент» автовокзали, «Оҳангарон», «Ғазалкент», «Собир Раҳимов», «Қўйлиқ», «Бахт», «Қибрай», «Бурчмулла», «Чорбоғ», «Янгийўл» автостанциялари, «Бекобод» автовокзалининг маиший-маъмурий биноси қурилиб, аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Булардан ташқари, бирлашма Чирчиқ ва Тўйтепа автовокзалларини, «Солдатск», «Оққўрғон», «Бўка» автостанцияларини қайта тиклади. Энди эса «Паркент», «Оққўрғон», «Мингчинор» автостанцияларини қуриш, «Бекобод» автостанциясини қайта таъмирлаш ишларини бошлаб юбормоқчи, — дейди вилоят автовокзаллари ва автостанциялари бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари Шароф Юнусов.

Раҳим ҚОДИРОВ.

Бу сонда:

2-БЕТ
ҚОНУН ҲАММАГА БАРОБАР
Германияда ҳайдовчи билан ДАН ходими ўртасида ҳеч қандай тортишув бўлмас экан.

3-БЕТ
ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА
Денверда «етти қўшув бир» учрашуви.

4-БЕТ
«Қорадори—97»
Пскент тумани ИИБ ходимлари 1710 кв.метр жойдаги атайин экилган нашани йўқ қилдилар.

Ғалла мустақиллиги учун

• Вилоят хўжаликлари ўтган куни давлат хирмонларига 5516 тонна сара дон топширдилар. Бу режанинг 2,5 фоизини ташкил этади.

• Шу кунгача хўжаликлардан жами 34625 тонна ғалла қабул қилиб олинди.

• Сўнгги беш кунликда хўжаликлар 24 минг 982 тонна дон етказиб бердилар.

• Ғалла ўрим-йиғими ва топширишда Тошкент, Чиноз, Янгийўл туманлари олдинда бормоқдалар. Тошкент тумани ўтган куни 294 тонна, мавсум бошидан эса 2940 тонна дон етказиб бериб, режани 66,8 фоизга етказди.

• Чиноз тумани ғаллакорлари бир кунда 642 тонна ёки режанинг 4,7 фоизи миқдорида, мавсум бошидан буён 7406 тонна ғалла тайёрладилар. Бу режанинг 54,2 фоизини ташкил этади.

• Янгийўлликларнинг бир кунлик топширган ғалласи 671 тонна бўлди.

ЭГАЛИК МАЙДОНЛАР

— Ғаллачилик бизнинг шароитимизда янги соҳа бўлса ҳам деҳқонларимиз уни тўла ўзлаштириб олишди. Йил сайин ҳосилдорлик ошиб бораётгани сабаби ҳам ана шунда, — дейди бош ҳосилот Йўлчибой Исмоилов. — Барча бригадаларда пахтазорлар қатори ғалла майдонлари ҳам бор. Уларни ижарачиларга бўлиб бердик. Хусусан, 395 гектар ғалла майдонлари 30 нафар ижарачиларга биркитилган бўлиб, экиннинг парвариши, суғориш ва озиқлантириш ишларини ана шу кишилар олиб боришди. Ҳар бир ижарачи билан гектаридан камида 38 центнердан ҳосил топширишни мезон қилиб, ўзаро шартнома тузганмиз. Ижарачи келишилган миқдордаги ғаллани топширса, ортиқчасини ўзи олади.

Наби Аҳмедов бошлиқ бригадада ҳам 22 гектар ғалла уч кишига топширилган. Шулардан Баҳодир Қосимов 11 гектар, Ҳаким Мадалиев 5 гектар, Абдукамол Шерматов эса 6 гектар ердаги экинни ўзи парвариш қилди. Ғалла тўрт марта суғорилди, икки марта озиқлантирилди. Комбайнлар далага киришдан олдин эса ижарачилар оила аъзолари билан бирга пайкалма-пайкал юриб, далани бегона ўтдан тозалаб чиқдилар.

Баҳодирнинг оиласида меҳнатга лаёқатли 18 киши бор. Уларнинг айримлари механизаторлик қилишса, бошқалари ғўза парваришида қатнашадилар. Зарур бўлиб қолганда эса оиланинг барча аъзолари бўш вақтларида ғаллазорда меҳнат қилдилар. Парвариш яхши бўлгани сабабли ҳосил ҳам мўл бўлди. Комбайнчилар — Анвар Шарипов ва Ботир Наврўзбоев ўрим-йиғимга киришган дастлабки кунданоқ ҳар гектар ердан 40 центнер ва ундан ҳам ошириб ғалла янчиб беришди. Бошқа ижарачиларга қарашли майдонларда ҳам ҳосилдорлик ана шундай юқори бўлди.

— Демак, ҳар бир гектар ер ҳисобига икки центнердан, жами 22 центнер буғдой ҳалол меҳнатимиз эвазига қолади, — дейди Баҳодир Қосимов. — Бундан ташқари ҳар ойга 1500 сўмдан маош ҳам оламиз. Сирасини айтганда, бу йил қилган меҳнатимиз самарасини кўрадиган бўлдик.

Ҳақиқатан Назарали Ниёзов номли жамоа хўжалигида ғалла ўрим-йиғими жадал боряпти. 2 та «Нива» ва битта «Кейс» комбайнлари билан ғалла ўрилмоқда. Далада ишлаётганлар учун барча зарур шароитлар яратилган. Икки маҳал бепул иссиқ овқат тайёрланяпти. Хўжалик бошқаруви энг кўп ҳосил топширган ижарачиларни мукофотлаш учун биттадан қўй, комбайнчиларга эса биттадан новвос ажратган. Ўрим-йиғим иштирокчиларига меҳнат ҳақлари ҳар ўн кунда бериб борилмоқда. Комбайнчилар ўрган ҳар гектар ғаллазор учун 3526 сўмдан ҳақ оладилар. Хўжалик 1510 тонна ғалланинг 800 тоннасини давлатга топширади.

Янгийўл туманидаги бошқа хўжаликларда ҳам ғалла ўрим-йиғими шундай ташкил этилган. «Тинчлик», Абдулла Ортиқов номли, «Ниёзбош», Ҳамроқул Турсунқулов номли, «Қовунчи» ва «Янги ҳаёт» жамоа хўжаликлари бу ишда олдинда бормоқдалар. Туман бўйича 36 та «Нива», шунингдек 3 та «Кейс» комбайнлари ғалла ўряпти.

— Ўрим-йиғимни асосан шу ойнинг ичида тугаллаш режалаштирилган, — деди туман сув ва қишлоқ хўжалиги бошқармаси бош ҳосилоти Саидрасул Мусаев. — Ғалладан бўшаган майдонлар эса пешма-пеш ҳайдалмоқда. Бу ерларга кечиктирмай такрорий экинлар экилади. Ҳар бир хўжалик етарли миқдорда турли хил экинларнинг уруғликларини жамғариб қўйишган.

Ташкилий ишларнинг тўғри йўлга қўйилганлиги ўз самарасини беряпти. Янгийўл тумани ғаллакорлари биринчи беш кунлик якунига кўра вилоят туманлари орасида юқори кўрсаткичга эришдилар.

Рафиқ ТУРСУНОВ.



•Қуйичирчиқ туманидаги «Меҳнатобод» жамоа хўжалигида 725 гектар майдонда ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Ғаллачилик бўйича ҳосилот Қамбарали Қорабоев, хўжалик раисининг муовини Бахтиёр Ўсербоев, комбайнчилардан Алданазар Пўлатов ва Аҳмаджон Мирзалиевлар ҳосил чўғини чамалаяптилар. 2. Хўжаликнинг ғалла хирмонида.

У. АҲМЕДОВ олган суратлар.

ТЕЛОВДАГИ «АЛ-РАҲМОН»

ОҲАНГАРОН туманидаги Телов қишлоғида истиқомат қилувчи оилаларнинг кўпчилиги бу кичик корхона жамоасининг хизматидан мамнунлик билан фойдаланмоқдалар. Уй қурадиганлар бу ерда тайёрланаётган шлакли блокларни харид қилмоқдалар. Ёғоч тилдирмоқчи бўлишса ҳам уларга мурожаат этадилар. Ғаллани тортишда ҳам кичик корхона ишчилари доим ҳозиру нозир. Жамоа барча буюртмаларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга астойдил ҳаракат қилади. Қисқаси, мурожаат қилган ҳар бир кишининг ҳожати чиқади. «Ал-Раҳмон» номи билан фақат Теловдагина эмас, тумандаги қўшни қишлоқлар фуқароларининг оғирини баҳоли қудрат енгиллаштираётган бу кичик корхонанинг босиб ўтган йўли, муваффақиятларию, ўзига яраша муаммолари бор. Мухбиримиз кичик корхона раҳбари Раҳмонали Ўтанов билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Корхона жамоаси ҳозирги вақтда қатор соҳаларда аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Бу йўлдаги дастлабки қадам қачон қўйилган эди. Шу ҳақда қисқача гапириб берсангиз?

— Корхонамиз жамоаси фаолиятини тахта тилиш цехидан бошлаган эди. Хўжаликка қарашли бу ишлаб чиқаришни дастлаб ижарага, кейинчалик эса хусусийлаштириб олдик. Ўшандан бери салкам уч йил ўтди. Бу даврда корхонамиз кенгайди, унинг янги бўлинмаларини ташкил этдик.

Олинган даромаднинг кўп қисмини шу мақсадга сарфладик. Шлакли блоклар ишлаб чиқариш цехи барпо этилди. Бунинг учун асосий материалларни яқин масофадан олиб келиш имкони бор эди. Цементни Оҳангарон цемент ҳиссадорлик жамиятидан ола бошладик. Шағал, шлакни ҳам шаҳардаги корхоналар етказиб берадиган бўлдилар. Бунинг учун икки томонлама шартномалар тузилди.

— Бундай бинокорлик материалларининг харидорлари етарлими, тайёр маҳсулотларни сотишда муаммолар бўлмаяптими?

— Нимасини айтасиз, ҳеч қандай муаммо йўқ. Қишлоғимизда, шунингдек, қўшни қишлоқларда якка тартибда уй-жой қураётганлар тобора кўпайиб бормоқда. Бунинг устига дўконлар, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг аксарияти миллий меъморчилик анъаналари асосида қайта бунёд этилмоқда. Хўжаликлар ҳам харидор бўлмоқда. Айниқса, ёз ойларида буюртмалар кўпайиб кетиб, уларни бажариш мушкулроқ бўлмоқда. Лекин, имкониятларни ишга солиб, уларни уддалашга интиляпмиз. Маълумки, Оҳангарон ғаллазор туман. Ҳар йили минглаб тонна дон етиштирилади. Аҳолисида буғдой, арпа кўп бўлади. Уларни тортиш учун тегирмон керак. Шундай корхона бўлмагани учун одамлар донни узоққа олиб бориб

Кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл

тортишга мажбур бўларди. Биз уларни бу ортиқча оворагарчиликдан халос қилиш учун қишлоғимизда тегирмон қуришга аҳд қилдик. Бу ишимизни маҳаллий ҳокимият идоралари ҳам маъқулладилар.

Уни барпо этиш учун эса анчагина миқдорда маблағ керак эди. Ўзимиздаги етишмади. Шунинг учун «Бизнес-фонд» жамғармасига мурожаат қилдик. У ердагилар ҳам бизни қўллаб-қувватлашди ва керакли ҳажмда сармоя ажратишга тайёр эканликларини ҳамда бунинг учун зарур ҳужжатларни тайёрлашни тавсия этдилар. Лойиҳа-ҳаражат ҳужжатларини ҳавола этганимиздан кейин бизга 405 минг сўм кредит ажратишга қарор қилдилар.

— Кредит мақсадли бўлдими ёки фойдаланиш эркин қилиб белгиландими? Неча фоизи билан қайтариш шарт қилинди?

— Биз тегирмон қуриш учун кредит сўраганимиз учун ҳам уни шу мақсадда фойдаланиш шарт қилиб қўйилди. Бу — сармояни бошқа мақсадларга ишлатиш мумкин эмас дейилгани. Кредитни 30 фоиз шарти билан қайтариш бўйича шартнома туздик. Шу ерда бир масалага тўхтаб ўтмоқчийдим. «Бизнес-фонд» қатор, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган иншоотларни барпо этишга кам фоизли имтиёзли кредит бериш ҳуқуқига эга. Кредитлар, ҳатто, 15 фоизли бўлиши мумкинлиги назарда тутилган. Лекин, бунга деярли амал қилинмайди. Доим 30 фоизли қилиб берилади. Агар фоизлар камроқ бўлса, бу ҳам биз каби тадбиркорларга катта наф келтирган, унинг ривожланишига кўпроқ ижобий таъсир қилган бўларди.

Кредитга олинган сармоянинг икки юз минг сўмига тегирмон ускуналарини сотиб олдик. Уни алоҳида бинога ўрнатдик. Электр энергияси билан ҳаракатга келтириладиган тегирмонимиз анча қувватли. Кунига бир неча тонна донни торта олади. Ундан самарали фойдаланиш эса дурустгина даромад келтириши мумкин эди.

Шунинг учун қўшимча ғалла тайёрлашни, уни унга айлантириб сотишни режалаштирдик. Кредит маблағининг қолган қисмига ғалла харид қилишга киришдик. Уни республикамиздан ташқарида изладик. Ниҳоят, хусусий тадбиркор Мамат Қўшимбетов билан шартнома туздик. У бизга Қозоғистондан ғалла олиб келадиган бўлди. Лекин, қардош республикада ҳам дон ҳосили кутилганидек бўлмади. Шу сабабли шартнома бажарилмай қолди. Шу тариқа мўлжалдаги режалар амалга ошмай қолди. Бу йил ҳолатнинг яхшиланишига умид қиламиз. Туманимизда ғалладан мўл ҳосил олиш кутилмоқда. Лекин, айни вақтда кичик корхонамизни кенгайтиришни давом эттирмоқчимиз. Ҳаммом қуриш ниятимиз бор. Шунда аҳолига кўрсатаётган хизмат тури яна биттага ортади. Бу йўл эса тўхтовсиз давом этаверади.

Собир МАҲМУДОВ.

Республикамиз вилоятлари бўйлаб



ТУННЕЛ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ

Республикамиз пойтахтини Фарғона водийси вилоятлари билан боғлайдиган асосий автомобил йўлларидан бири Қамчиқ довони орқали ўтади. Эндиликда бу довонга электр қуввати етказиб беришдаги барча муаммо ҳал этилди — бу ерда кичик станция ишга туширилди.

Янги кичик станциянинг ишга туширилиши йўлни таъмирлаш ҳамда тоғ йўлидан хавфсиз ўтишни таъминлаш учун довонда иккита туннел қурилишини анча тезлаштиришга имкон беради. Электр энергияси туннел қурувчиларга мавжуд техника қувватидан тўла фойдаланишга шароит яратади, бу ерда ишлаб турган бетон қорадиган кичик заводда маҳсулот тайёрлаш ҳам кўпаяди.

Довонда қурилишни электрлаштириш ишлари давом этмоқда. Тез орада яна бир «Қамчиқ» кичик станцияси ишга тушади. Бу станцияга электр қувватини келтириш учун 35 километр узунликдаги электр линияси тортишга тайёргарлик кўрилмоқда.

ФАРҒОНАДА КИТОБ БАЙРАМИ

Фарғонада Республика давлат матбуот қўмитаси ташаббуси билан «Китоб байрами» ўтказилди. Ғафур Ғулом, Ибн Сино номидаги нашриёт, «Ёзувчи», «Ўзбекистон», «Камалак», «Ўқитувчи», «Фан», шунингдек, Чўлпон номидаги болалар нашриёти ходимлари иштирок этди. Шаҳар маданият ва истироҳат боғида уларда чоп этилган бадиий, илмий-оммавий китоблар намойиш қилинди.

Шу ерда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Сўзга чиқанлар Президентимизнинг мазкур асарида мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари теран таҳлил этилгани, келажагимиз уфқлари аниқ белгилаб берилганини таъкидладилар.

НУРОБОД МАРМАРИ

Навоий кон-металлургия комбинатининг Нурободдаги Жанубий кон бошқармаси ишчи-хизматчилари янги касбни ўзлаштирди. Улар мармар қазиб олиш ва унга ишлов беришга киришди. Изланиш натижасида Нуробод тумани ҳудудида катта мармар заҳираси борлиги аниқланди. Мармарга саноат асосида ишлов бериш мақсадида хориждан замонавий асбоб-ускуналар келтирилди. Айни вақтда бу ерда ҳар ойда 1200 кубметрдан зиёд мармар ушоғи ва шунча мармар плита тайёрланмоқда. Ҳа демай Нуробод мармари жаҳон бозорига ҳам чиқади.

Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги. Тоқи заргарон гузари. Даврон АҲМАД олган сурат.

Ҳуқуқий билим сабоқлари

ХОРИЖДАН қайтган бир дўстим яқинда қизиқ бир воқеани гапириб берди.

— Германияда ҳайдовчи билан ДАН ходими ўртасида ҳеч қандай асаббузарлик, тортишувлар бўлмас экан, — деди у, — сабаби, ҳар қандай йўл ҳаракати қоидасига хилоф ҳолатни машинанинг йўналиши бўйича ўрнатилган компьютерлар кузатади, хатоликни «мия»сига ёзиб олиб, жарима белгилайди ва қисқа муддат ичида тўлов қоғози ҳайдовчига етказилади. Ўз вақтида тўланмаган жарима миқдори эса кун сайин кўпайиб бораверади. Шу боис, ҳайдовчи ҳеч кимнинг тазйиқисиз ўзи кассага ошиқади.

Бу шаҳарда ҳамма ана шу қизиқ тартибга ўрганган. Қонундан ташқарига чиқмайди. Ҳар ким ўз ҳуқуқи ва бурчини яхши билади. Уни ҳурмат қилади.

...Бу сўзларни тинглар эканман, республикамизда фуқароларнинг ҳуқуқий билимини, тафаккурини оширишга эътибор берилаётгани бежиз эмаслигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Дарҳақиқат, қонун устивор, фуқаролари кенг ҳуқуқий билимга эга бўлган юртдагина демократик давлат барқарорлашади, инсон ҳақ-ҳуқуқи кафолатланади.

Ўзбекистонда қонун устиворлигини таъминлаш — танлаб олинган йўлнинг асосий тамойили сифатида алоҳида эътиборга лойиқдир. Бу борада мамлакатимизда анча самарали ишлар қилинди. Республика Олий мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази, амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби ташкилотлар жорий этилди, янги қонунлар қабул қилинди ва бу борада ўзимизга ҳамда жаҳон тажрибасига суянган ҳолда ишлар фаоллик билан давом эттирилмоқда.

Хусусан, Президентимиз «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида «ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собит қадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўкис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир», деб алоҳида таъкидлади. Бундай фаолиятга эришиш эса фуқароларимизнинг тафаккури, маданияти билан боғлиқдир. Бунинг учун биз барча билимлар қатори ҳуқуқий билимларни ҳам чуқур эгаллашимиз керак.

Зеро, инсон азалдан эркин ва озод яшашни орзу қилиб келган. Айни пайтда инсон ҳар қанча эркин ва озод бўлмасин, у жамиятга, инсоний, халқаро муносабатларга катта эҳтиёж сезади. Мана шу эҳтиёж замирида умумэътироф этилган қонун-қоидаларга ҳурмат ётган бўлиши зарур.

Демократик тамойиллар инсон онгида ўз аксини, фаолиятида эса ўз ифодасини топмас экан, инсоният орзуси олис юлдуздек қолаверади.

Демократия инсон орзу қилган адолатли инсонпарвар ҳуқуқий жамият бўлса, унинг меъмори — ҳуқуқий тафаккур ва ҳуқуқий маданият соҳибидир, яъни халқдир.

Ана шу бунёдкор халқнинг ҳар бир фарзанди янги жамият барпо этишда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг кузатувчиси ёки иштирокчиси эмас, балки, бевосита ижрочиси сифатида бугунги воқеликни тўла англамоқлиги зарур.

Республикамизда инсон ҳуқуқларига бўлган муносабат демократик жараёнларнинг амалий ифодасидир, чунки, бу икки тушунча бир-бирига боғланиб турмас экан, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди.

Конституциямизда ҳар бир фуқаро ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Янги замон янги талабларни қўймоқда. Ўзбекистонни дунёга кенг танитиш учун халқимизнинг ҳуқуқий маданияти юқори бўлиши лозим.

Мазкур масала моҳиятига чуқур эътиборни Республика Президенти Ислом Каримовнинг «Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим. Зеро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуғ ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётади», деган фикридан ҳам тушуниш мумкин. Бу сўзлардан келиб чиқиб, инсонпарвар ҳуқуқий демократик жамиятда қонун ҳар биримизнинг ишончли ёрдамчимиз ва дўстимиз эканлигини барчамиз тўлатўкис англамоғимиз, бунинг учун ҳуқуқий тафаккур ва ҳуқуқий маданиятимизни ошириб бормоғимиз керак.

ҚОНУН ҲАММАГА БАРОБАР

Меҳмонали НИЁЗОВ, ЎзФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий ходими.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

ВОҚЕАЛАР ТЎЛҚИНИДА

● ЭРОН, Покистон, Туркия, Индонезия, Миср сингари 8 та мусулмон мамлакатлари раҳбарлари «М—8» деб аталган янги ислом марказини тузишни режалаштирдилар.

● ҲИНДИСТОН мустақиллигининг 50 йиллиги куни — 14 июлда президент сайловлари ўтказилади. Бу лавозимга ҳозирча амалдаги президент Шанкар Даял Шарма даъвогар бўлиб турибди. Мамлакатда президентни парламентдаги сайловчилар жамоаси сайлайди.

● ФРАНЦИЯНИНГ Бурже шаҳрида 42-халқаро анъанавий тайёралар кўриги очилди. Унда Россия, Ўзбекистон, Украина давлатларида ишлаб чиқарилган самолётлар ҳам иштирок этмоқдалар.

● ЧЕЧЕНИСТОНДА «Ҳуқуқ-тартибот қалқони—97» деб аталган жиноятчиликка қарши тезкор тадбир ўтказилди.

● СОБИҚ СССР гимни мусиқаси янги Россия-Белоруссия иттифоқининг расмий мадҳияси сифатида қабул этилди. Лекин, унга янги матн битиш учун танлов эълон қилинди.

ЭНДИ ДЕНВЕРДА ЙИҒИЛИШДИ

АСЛИНИ олганда, АҚШ ва Россия президентларининг Хельсинкида юзма-юз кўришувидан кейин унчалик кўп вақт ўтмади. Бу орада жаҳон тақдирига даҳлдор учрашувлар бўлди. Шимолий Атлантика уюшмаси сессияси, НАТО ва Россия ўртасидаги муносабатларга доир ҳужжат имзоланиши, НАТОга аъзо давлатлар мудофаа вазирларининг Брюсселдаги йиғини шулар жумласидандир. Мана, бугун АҚШнинг йирик шаҳарларидан бўлмиш Денверда яна бир катта анжуман очилмоқда. Дунёдаги энг тараққий этган етти мамлакат — АҚШ, Япония, Олмония, Франция, Буюк Британия, Италия, Канада давлатларининг раҳбарлари шу ерда тўпландилар. Бу мулоқотга Россия президенти Б. Ельцин ҳам таклиф этилди. Шу боис мазкур учрашувга «етти қўшув бир» деган нисбат берилмоқда.

Хўш, Денверда нималар ҳақида гап боради? Энг аввало, шуни айтиш керакки, янаги ойда Испания пойтахти Мадридда НАТОнинг Шарқ томон кенгайишига бағишланган биринчи учрашув ўтказилади. Унда НАТОга аъзо давлатларнинг вакиллари, беистисно, иштирок этадилар. Ёвруподаги дастлабки уч мамлакат — Польша, Венгрия, Чехияни НАТО аъзолигига қабул қилиш кутилмоқда. Бу воқеа сўнгги йилларда анчагина шовшувларга сабаб бўлган тадбирнинг биринчи қадами сифатида тарихда қолади. Шунинг учун Денвер мулоқотида саккиз мамлакатнинг раҳбарлари мазкур қалтис масала юзасидан фикр алмашсалар, ажаб эмас. Иккинчидан, саммит қатнашчилари сўзсиз ўз мамлакатлари иқтисодиётининг аҳволи ва ўзаро интеграциялашув жараёнларини ҳам кўриб чиқадилар. Унда истиқболдаги технологик тараққиёт ва савдо-сотиқни кенгайтириш муаммолари асосий ўринга чиқади. Ишсизлар сонининг кўпайиши, иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши, ислоҳотларни такомиллаштириш, ўз бозорларини ҳорижий рақобат учун очиб қўйиш, барқарор молиявий муҳитни вужудга келтириш, ишлаб чиқаришнинг янги соҳаларига сармоялар жалб этиш сингари масалалар ҳам чуқур муҳокама этилади.

Яна бир йирик гап. Бу — 1999 йилнинг 1 январидан 2002 йилнинг 1 июлигача муомалага киритиладиган Ёвропонинг умумий пули — «евро»га тегишлидир. Ушбу нуқтаи назар ҳам Денверда алоҳида маъно касб этади. Сўнгги ўн йиллар ичида тараққиётга юз тутмаган Африка минтақаси, Россиянинг НАТО билан муносабатларини тобора чуқурлаштириш ва бошқа XXI аср бўсағасидаги муаммолар ҳам саккизлик эътиборидан четда қолмайди.

ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА

ДЕЯРЛИ юз йиллик тарихни экран тасмалари орқали ҳикоя қилиб бериш осон эмас. Лекин, италиялик киношунослар бунинг уддасидан чиқдилар. Яқиндан бошлаб, Италия давлат телекўрсатувининг биринчи дастури орқали «Кремль архивлари» деган кўп серияли ҳужжатли фильм намойиш этила бошланди. Унинг дастлабки қисмлари 1896 йилда Николай IIнинг тахтга ўтқазилиши маросимига бағишланди.

— Октябрь инқилоби, Ленин ҳаёти, Сталиннинг саъй-ҳаракатлари, КГБ фаолияти, иккинчи жаҳон уруши, сиёсий бюро, совуқ уруш ҳужжатларига аталган туркумлар ўзига хослиги билан ажралиб туради, — дейди фильм муаллифларидан бири — ёзувчи, журналист, мухбир Леви Арриго, — уларнинг ҳаммаси одамларни Кремль сирларидан воқиф этади. Энг қизиғи барча қисмларда Михаил Горбачев баҳс иштирокчиси сифатида қатнашади.

ГИТЛЕР АРГЕНТИНАДА ЎЛГАН ЭКАНМИ?

ШОВ-ШУВЛАР далилларга асосланган бўлса, одамларни сўзсиз ишонишга мажбур этади. Аргентинада чиқадиган «Кларин» газетасининг ходимлари шундай самарага эришдилар, деса бўлади. Гап шундаки, уларнинг тадқиқотлари бўйича Адольф Гитлер 1945 йилнинг апрелида ўзини ўзи маҳв этмаган экан. Улар бундай хулосага «Лаусен» фирмасининг қадимий ҳужжатларини текшириб ўрганиш натижасида келдилар. Тарихчи Марко Друцович раҳбарлигида ишлаганлар антиқа нарсаларни кашф этдилар. Маълумотларга қараганда, 1945 йилнинг августида Аргентинанинг Гуанако кўрфазига немисларнинг сув ости кемаси келиб тўхтайди. Олмониядан келган муҳожирлар орасида Пауло Каца исмли одам ҳам бўлган. У рафиқаси билан бирга Чубут деб аталган кичик бир қўрғончада яшай бошлаган. Газета ходимлари бу аёл — Гитлернинг хотини Ева Браун бўлган, деб таъкидлайдилар. Гитлернинг собиқ шахсий қўриқчиси бўлган бир кишининг кўрсатмалари, айниқса, қизиқарлидир. У Гитлер 1947 йилда 58 ёшида шу ерда вафот этган ва Санта-Крус ҳудудидаги Клафата қабристонига дафн этилган, дейди.

Айни кунларда Аргентина ва бутун дунёдаги оммавий ахборот воситалари бу «янгилик»нинг тагига етишга уринмоқдалар.

ОДАМЛАР ЁҚА УШЛАШДИ

